

Тиббиёт ва ислохот

Бугунги кунда вилоятимиз шаҳар-туман марказларидан четда, ҳатто, энг олис қишлоқларда ҳам замонавий, ҳар жиҳатдан қулай ҳамда тиббий асбоб-ускуналар билан мукамал жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига хизмат қилмоқда. Бундай имкониятларни яратиш мамлакатимиз тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишларининг бирламчи бўлини – Халқаро тараққиёт ассоциацияси билан ижтимоий ҳамкорликдаги "Саломатлик – 2" лойиҳаси доирасида амалга оширилмоқда.

Мухбиримиз мазкур лойиҳа вазифалари ва бу борада вилоятимизда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси лойиҳаларни амалга ошириш бюроси директори Рустам Азимов билан суҳбатлашди.

– Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда тиббиёт соҳаси жадал тараққиёт этмоқда. Бу соҳада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Қолаверса, ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. "Саломатлик – 2" лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир. Шу йилрик ижтимоий лойиҳа хусусида гапириб берсангиз.

Дарҳақиқат, барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам изчил ва жадал олиб борилаётган ислохотлар "Ҳамма нарсаси инсон учун", унинг келажаги учун" деган эзгу тамойилни амалга ошириш жараёнида қўзғалган мақсадларга эришишга асос бўлмоқда.

Республика Президенти фармони билан соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилиниши ислохотларда туб бурилиш ясади. Яқин-яқингача қишлоқларимизда путурдан кетган, эски шифохоналари қуравериб, ўрганиб қолгандик. Ҳозир улар батамом янги қиёфа касб этмоқда. Тиббий хизматнинг миллий модели босқичма-босқич шакллантирилиб, улар технология жihatдан тубдан қайта жиҳозланиши ва шу каби қулайликлар яратилиши натижасида малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат даражаси янада ошмоқда.

2005 йил 27 январда мамлакатимизда йилрик – Халқаро тараққиёт ассоциациясининг "Саломатлик – 2" лойиҳаси қабул қилинди. Бундан қўзғалган мақсад қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш, қишлоқ врачлик пунктларида умумий амалиёт шифокорлари тамойили асосида ишлашни ташкил қилишдан

сида 14 иш хонаси бўлиши лозим. Бу шифокор, акушер, гинекологик кўрик, енгил жарроҳлик, лаборатория текшируви, физиотерапия, эмлаш, патронаж хонаси кабиларни ўз ичига олади. Шунингдек, унинг таркибида кундузги стационар ҳам бўлиши керак. Иккинчи турда хоналар 19 тага кўпайиб, юқоридагилардан фарқли ўлароқ, заруратга қараб, дориҳона ҳам бўлмоғи лозим. Кейинги тур бўйича эса, камида 24 иш

махсус ўқув-адабиёт ва қўлланмалар, кўргазмалар, вилоталар билан жиҳозланаёпти.

Лойиҳанинг умумий қиймати 118,1 миллион АҚШ доллари тенг бўлиб, 35 йиллик муддатта берилган. Унинг 39,5 миллион АҚШ доллари тенг қисми Халқаро тараққиёт ассоциацияси кредити ҳисобига амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида жами 1,14 миллиард сўмлик маблаг авазига замонавий диагностика ва тиббий муолажалар учун жиҳозлар қабул қилинди. 10 та "Дамас" русумли автомашина қишлоқ врачлик пунктларида хизмат кўрсатиш учун топширилди. 20 та шаҳар ва туман марказий шифохоналари билан жарроҳлик тўпмалари билан таъминланади. 9 та шаҳар ва туман марказий шифохоналари эса, биохимик анализатор берилди.

"Саломатлик – 2" лойиҳаси доирасида узлуқсиз касбий таълим бўйича тренинглари ўтказилди. Хусусан, вилотат даражасида терапевт, юқумли касаллик шифокорлари, педиатр, туман ва шаҳар тиббиёт бirlашмалари бош терапевтлари "УАШ" фаолиятида терапиянинг долзарб масалалари мавзусидаги 10 кунлик семинарларда иштирок этишди. Шунингдек, 250 шифокор 10 ойлик "Умумий амалиёт шифокорлари" курсларини биттирди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва марказий туман шифохоналари ҳамширалари навбатма-навбат ўқитилди.

Ҳар бир туманда 2 тадан ўқув хоналари ташкил этилиб, бири ҳамширалар, иккинчиси шифокорларни ўқитиш учун мўлжалланган. Ушбу ўқув хоналари замонавий ўқув-амалиёт қўлланмалари, зарур техник воситалар билан жиҳозланган.

Бу ислохотларнинг яна бир жиҳати шундаки, ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига юридик маком берилди. Ҳозир уларнинг ўз ҳисоб рақамлари мавжуд. Вилотат қишлоқ врачлик пунктларидаги шифокорлар, лаборатория бўлимлари аҳоли саломатлигини сақлаш борасида тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиб, қишлоқ аҳолисининг малакали тиббий хизматга бўлган эътиборини тўла қондирмоқдалар.

"Тошкент ҳақиқати"
мухбири **Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ**
суҳбатлашди.

Кўргазмалар семинари



ИССИҚХОНАДА ҚУЛАЙЛИК БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ

ЎЗМЭИ қарамоғидаги "Агро Илм" ўқув-тажриба иссиқхона хўжалигида ташкил этилган кўргазмалар семинари қатнашчилари шундай фикрга келишди

Бу бежиз эмас. Ушбу иссиқхонадаги замонавий агротехника усули, қулай шарт-шароит, экинларнинг баравар ривожини семинар қатнашчилари нафақат катта таассурот қолдирди, балки ҳавас ва қизиқиш уйғотди. Негаки, бу ердаги экинларни суғориш, ўғитлаш ва иситиш тизимлари қарийб юз фоиз автоматлаштирилган бўлиб, шу соҳага ихтисослаштирилган истаган ҳар қандай тадбиркорга маъқул келиши, ўрганиш ва ўзида қўллашга ишתיёқ уйғотиши табиий.

Тажриба хўжалигида экинлар томчилатиб суғорилади. Муддатли келганда, худди шу агротехника усули воситасида суюлтирилган ҳолда ўғит берилди. Иссиқхонадаги ҳароратнинг мўътадиллиги ҳам автомат тарзда бошқарилади. Айтайлик, ҳарорат белгиланган меъёрдан ошиб кетди. Шунда автомат усулуна ҳаракатга келиб, иссиқхона томидаги махсус дарчаларни очди ва ичкарига муздек ҳаво киришини таъминлайди.

Ҳозир иссиқхонанинг экин майдони 5000 квадрат метр. 12 минг туп помидор шигил ҳосилга кирган. Май ойининг ўрталарида қолмай, пишиб етилди. Бу йилги мавсумда камида 100 тонна ҳосил олиш мўлжалланган. Ўқув-тажриба хўжалиги директори Аббасовид Эргашев ва ҳосилот Мансур Норкуловнинг таъкидлашича, агар экин нави тўғри танланса ва барча агротехник тад-

бирлар тўлиқ изга солинса, бир мавсумнинг ўзида ҳосилдорликнинг олиши ҳисобида 1000 тоннагача ялғи маҳсулот олиш мумкин экан.

Тадбирга тақдир этилган туман ишчи гуруҳлари раҳбарлари, фаолият юритаётган ҳамда янги ташкил этилаётган иссиқхоналарнинг эгалари кўргазмалар машғулот жараёнида ишни қандай ташкил этиш, қайси агротехник тадбирларни қандай жорий этиш бўйича амалий кўникма ҳосил қилдилар.

СУРАТАА: тадбир қатнашчилари агротехник жараён билан танишмоқдалар.

Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

ЎЗА.

КЕНГАШ
ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 2008 йилда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Ушбу йўналишдаги фаолият жорий йилда ҳам давом эттирилиб, миллий ахборот тизимини шакллантириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида замонавий ахборот технологияларининг қўлланилиши ва улар асосида тадбиркорлик субъектларига интерактив хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.

Бошқарув органлари, банк-молия тизими, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари, йилрик корхоналарда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш, баҳолаш мезонлари тизимини тақомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари ҳодимларининг компьютерда ишлаш кўникмалари даражасини ошириш чоралари тўғрисидаги маърузалар тингланди.

Замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш билан бирга ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлиги қайд этилиб, Кенгаш аъзолари томонидан 2009-2012 йилларда тайёрланиши лозим бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар дастури тасдиқланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

иборат эди. Бунинг учун эса, қишлоқ врачлик пунктларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, бу муассасаларнинг шифокорлари ҳамда ҳамширалари малакасини ошириш, қолаверса, тизимнинг бирламчи бўлинида молиялаштириш ва бошқариш механизмларини тақомиллаштириш кўзда тутилган.

Авалло, шунга айтиши керакки, бу йилрик халқаро лойиҳа мамлакатимизда 1999-2004 йиллар давомида қўлланган эди. "Саломатлик – 2" лойиҳасига асосан соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлини ислох қилинди. Шу муносабат билан Жаҳон банки директори кенгаши Халқаро тараққиёт ассоциацияси моддий манбалари ҳисобидан "Саломатлик – 2" лойиҳасини амалга ошириш учун қарор қабул қилган.

– Мазкур лойиҳани амалда таъкил этиш чоғида қайси хизматларга эътибор қаратилди ва бу талаблар нималардан иборат?

– Амалиётга киришдан аввал Жаҳон банки талаб ва мезонларида белгиланганидек, бир неча тур бўйича қишлоқ врачлик пунктларимиз шарт-шароитлари ўрганиб, таҳлил қилинди.

Масалан, 1-тур бўйича қишлоқ врачлик пункти бино-

сида 14 иш хонаси бўлиши лозим. Бу шифокор, акушер, гинекологик кўрик, енгил жарроҳлик, лаборатория текшируви, физиотерапия, эмлаш, патронаж хонаси кабиларни ўз ичига олади. Шунингдек, унинг таркибида кундузги стационар ҳам бўлиши керак. Иккинчи турда хоналар 19 тага кўпайиб, юқоридагилардан фарқли ўлароқ, заруратга қараб, дориҳона ҳам бўлмоғи лозим. Кейинги тур бўйича эса, камида 24 иш

ма иш ҳақи масалалари ҳам алоҳида муҳокама қилинди. Шунга таъкидлаш жоизки, корхонада иш ҳақининг йиллик ўсиши қарийб 40 фоизга тўғри келаётди.

– Ходимларни соғломлаштириш ва дам олдирши қўлланмалари йил сайин кенгайиб бормоқда, – деди йиғилишда қасаба қўмитаси раиси. – Ўтган йили Ўзбекистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги санаторийларида 504 ходим дам олиб, соғлигини тиклади. Шу мақсад учун маъмурий билан қасаба қўмитаси 196 миллион 159 минг сўм сарфлади. Санаторий-профилакторийимиз яхшилаб таъмирланди, дам олиш ва муолажа шароитлари яхшиланди. Бу йил ўз сийатҳоқимизда 1700 дан кўпроқ ходимимизни соғломлаштириши мўлжалланмоқда.

Мехнат фахрийлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенгшатирилган ходимларни ижтимоий ҳимоялаш алоҳида эътиборда. Уларни сиҳатҳоқимизда соғломлаштириш ва Чорбоғдаги "Металлург" пансионатида дам олдирши мақсадларига бир йилда 100 миллион сўмдан зиёд маблаг сарфланди.

Кучли ижтимоий ҳимоя корхона барқарор ривожланиб бораётганининг натижасидир. Бу йил режалаштирилган марралар ҳам ниҳоятда юксак. Металлургия 686 минг тонна пўлат, 650 минг тонна қора металл прокат, 12 миллиард 490 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариши қўлаб меҳнат қилишмоқда.

Албатта, бу марраларни эгаллаш осон бўлмайди. Бунинг учун бир қатор йилрик ташкилий-техникавий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш талаб қилинади. Улар орасида давлатимиз раҳбарининг 2011 йилгача бўлган муддатда корхонани модернизациялаш, техник ва технология жihatдан қайта жиҳозлаш дастури хусусидаги қарориди белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Шу жараёнда корхонанинг ўз маблаглари ҳисобидан 25 миллиард 27 миллион сўмлик лойиҳаларни амалга оширишга киришилди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Мулоҳаза

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ –
ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб асосий эътибор мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга қаратилган бежиз эмаслиги бугунги иқтисодий ютуқларимиздан кўриниб турибди. Республика Президентининг таъбири билан айтганда, бу жараён мулкдорлар синфини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат корхоналари ва ташкилотларнинг хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, давлатга қарашли бўлмайдиган бошқа корхона ва ташкилотларга айлантирилиши иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга кенг йўл очмоқда.

Иқтисодий ислохотлар, шу жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичма-босқич амалга оширилди. Ҳозирги босқичга келиб, бу жараён ҳоржий сармоядорларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусийлаштирилган корхоналар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида улар изчил қўллаб-қувватланадиган, замонавий технологиялар билан таъминланган ширкатларни ширкатлар таркибиди қайта қуриш ҳисобига янги иш ўринлари барпо этиш имкониятлари ортапти. Натижада ички бозорни маҳсулот билан тўлдириб ва уларнинг экспортдоплигини оши-

риш, рақобатли бозор муҳитини яратиш имкони қучаймоқда.

Ўз навбатида, корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш тизимини тақомиллаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш, тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришда моддий ресурслар ва пул кредитларидан, замонавий технологиялар ва бозор инфратузилмаси барча муассасалари хизматларидан эркин фойдаланишларини таъминлаш, кучмас мулк, қимматли қозғолар бозорларини ва депозитарий тармоқларини, унинг инфратузилмасини янада

ривожлантириш, аҳолининг бўш пул ресурсларини хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнига кенг жалб этиш изчил амалга оширилди.

Кейинги йилларда қонунчиликни тақомиллаштириш, ишбилармонлар учун яратилаётган имтиёзлар мулкдорлар синфи ҳуқуқий онгининг ўсишига олиб келди. Айни пайтда иқтисодий инфратузилмани тақомиллаштириш давом этмоқда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектларини қимматли савдосида респубикамиз юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, чет эллик сармоядорларга сотиш қўлланмалари кенгайиб бормоқда.

Хусусийлаштириш натижасида мулкдорларнинг ишга муносабатлари яхшиланди, изланувчанлик фазилати кучайди, юқори фойда олиш ҳисси шаклланди. Энг муҳими, юртдошларимизда мулкдорлик туйғуси қарор топди.

Ҳусанжон АҲМАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
хуқуқшунослик
факультети магистрини.

ВАКИЛЛАРИМИЗ
ШОҲСУПАДА

Республика техник ва амалий спорт турлари марказида мототикл погйаси бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

Мудофаага қўмлашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти уюштирган мусобақада республика вилотларидан 35 нафардан зиёд спортчи иштирок этди. Пойгачилар учта гуруҳда баҳс юриштишди.

Эътиборлиси шундаки, унда Олмалик кон-металлургия комбинати жамоаси клублар ўртасида иккинчи ўринни эгаллади. Вилотиямиз умумжамоа ҳисобида ҳам шохсупанинг иккинчи поғонасига қўтарилди.

Ғолибларга фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.
Хуррият МУМИНОВА.

ТАДБИРКОРЛАР ВА
ИШБИЛАРМОНЛАР
ДИҚҚАТИ!

Тошкент вилоти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги «Вилотат ҳудудидида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш тўғрисида»ги фармойишига асосан тасдиқланган вилотат Танлов комиссияси Тошкент ҳарбий округи таркибига қирувчи ҳарбий қисмларга қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Қолипчи нон ва нон маҳсулотлари
2. Сут маҳсулотлари (қаймоқ, пишмоқ ва творог)
3. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулотлари
4. Ярим дудланган қолбаса маҳсулотлари
5. Тухум
6. Томат пастаси
7. Қуруқ мевалар
8. Мева шарбатлари (сок, компот)
9. Хамиртуруш
10. Хашак, сомон, тарик
11. Қаз
12. Йогурт
13. Мева туршаклари
14. Майиз

Тақдирлар 2009 йил 10 майга қадар қабул қилинади.
Қўшимча маълумотлар учун тел.: 233-75-11.

"Respublika Mulk-Auksioni" давлат корхонаси барча сармоядорларни

2009 йил 15 май соат 11.00 да очик ТАНЛОВ савдоларига тақдир этади.

Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидида очик ТАНЛОВ савдосига Тошкент вилоти, Бекобол тумани, "Зафар" қўргонидида жойлашган "Сарбон" ОАЖнинг ижтимоий соҳа объекти билан "Ошхона" биноси қўйилади.

Бошлангич баҳоси – 75 245,00 минг сўм

Инвестиция мажбурияти – сотиб олиш бўйича энг юқори баҳони тақдир этиш;

– қисқа муддат ичиди сотиб олиш тўловларини амалга ошириш;

– объекти тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 1 йил муддат ичиди энг юқори миқдорда инвестиция кириштиш;

– танлов савдоси ғолиби савдо якунлари бўйича баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб 20 кун муддат ичиди олди-сотди шартномасини имзолаши керак.

Талабдорларнинг тақдирлари билдирилган конвертларни очилиш 2009 йил 15 май соат 11.00 да, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохсўчаси, 55-уйда жойлашган Давлат мулк қўмитаси биносидида бўлиб ўтади.

Ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказилишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Танлов савдоларида қатнашшини истаган сармоядорлар ўз сармоявий тақдирларига

ри ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

1. Танлов қатнашчисининг талабномаси;

2. Таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, тувоҳнома) ҳорижик сармоядорлар – ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқланган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда);

3. Сармоядор вакилига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқлаб берилган ишончнома;

4. Сармоядорга хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси;

5. Танлов савдоси объектига сармоядор тақдир этаятган маблаг ва уларни тўлаш муддати, қўшимча сармоя киритиш миқдори, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертда маҳкамланган, муҳралиб тақдир этилиши лозим (объектни сотиб олиш ва сармоя киритиш баҳоси унинг бошлангич баҳосидан кам бўлмастлиги шарт);

6. Савдо якунлари бўйича сармоядорга билдиришнома юборилиши учун зарур бўлган бошқа маълумотлар (реквизитлар);

7. Закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Жисмоний шахслардан – паспорт нусхалари.

Ҳужжатлар шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши шунингдек ҳар бир сармоявий тақдир ва унинг ҳар бир савдоси, шахсан ваколатли шахс томонидан имзолалиши лозим.

ТАНЛОВ савдоларида қатнашши истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар закалат қилиш тўзтиланидан сўнг объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk Auktsion" ДКнинг ХОАТБ "InfBank" МФО 01041, СТИР 206761326, ОКОНХ 84100, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохсўчаси, 55-уй, Давлат мулк қўмитаси биносининг 1-қавати чап қанотидаги савдолар ўтказиш зали.

Телефон: 239-83-82. Факс: 150-34-46. Интернет сайи www.mulk.uz

Гувоҳнома № 002265

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги



ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармоишига мувофиқ эълон қилинган ҳаракат хавфсизлиги ойлигида оммалиқликлар ҳам фаол қатнашмоқда.

— Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўқув муассасаларида, маҳаллаларда учрашувлар, суҳбатлар уюштирилди, — дейди шаҳар йўл-ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича нозир Иштиёр Содиқов. — Бу йўналишда биз аввало, жамоатчиликнинг қўлига таянаёмиз.

Масалан, "Ўзбекистон", "Гултепа" маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир ҳар икки маҳалла болалари ўртаси-

даги "Қизил чирок" мусобақаси билан бошланди. Шаҳар халқ таълими бўлимининг 1-ҳамда 2-умумтаълим мактаблари ёш назоратчилари иштирокидаги "Йўл қондаси — умр фойдаси" мусобақаси ҳам қизиқarli кечди.

Тадбирга ҳозирлик жараёнида шаҳарнинг пиёдалар серкатида бўлган йўллар ёқасига, чорраҳаларга ҳушёрликка қорловчи қўшимча паннолар ўрнатилди. Бундан ташқари, ҳар бир мактаб қошида кичик постлар фаолияти йўлга қўйилди.

Шаҳар халқ таълими бўлими, маҳалла кўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда ўтказилаётган рейдлар давомида аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда.

Мунаввара ИСОКУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича нозир Иштиёр Содиқов мактаб ўқувчиларига ҳаракат хавфсизлиги қондалари хусусида тушунча бераёпти. Муаллиф олган сурат.

ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга қаратилган ишчил чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг янгида юксалиб, халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилмоқда.

2008 йилда юртимизда фаолият юритаётган банкларнинг аксарияти юқори қўрсаткичларга эришди. Хусусан, "Ҳамкорбанк" очик акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилишида мазкур банкнинг даромади сезиларли

даражада ортиб, мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни тобора мустаҳкамлашиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Банк томонидан кўрсатилаётган имтиёзли микрофинансированиш шиблармонларнинг зарур техника во-

ситарига эга бўлиши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Жорий йилда ақратилган 12 лизинг лойиҳасига 3,3 миллиард сўм маблағ қўрилиш техникаси, юк ва йўловчи ташиш автотранспорти харид қилишга йўналтирилди. Бундай хизмат турларини янгида кенгайтириш учун банк тизимида "ҲамкорАндЛизинг" ва "ҲамкорМазЛизинг" шўба корхоналари ташкил этилди.

Айни вақтда банк аҳолига 20 хилда миллий, 4 хилда хорижий валютада омонат турларини таклиф қилмоқда. Улар сақлаш муддатларининг хилма-хиллиги ва қулайлиги билан аҳолида қизиқиш уйғотмоқда. "Қулай", "Таянч", "Болалар", "Ҳадя", "Соврин" каби омонат турлари шулар жумласидандир.

"Ҳамкорбанк" очик акциядорлик-тижорат банки ак-

циядорларининг умумий йиғилишида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида аҳолига қўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янгида яхшилаш, қишлоқ аҳолиси, айниқса, оилалар учун ишончли даромад манбалари яратиш борасидаги ишлар қўлимини янгида кенгайтиришга доир вазифалар белгилаб олинди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.

Ифтихор

"Амир Темури шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демаскидир. Амир Темурни англаш — ўзлимизни англашдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қарғига чуқур илдириш отан томирларимизга асосланиб, буюк келажимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демаскидир", деган эди Юртбошимиз Самарқанд шаҳридаги Амир Те-

мур ҳайкалининг очилиш маросимида. Тўғри, ҳақонда буюк шахслар жуда кўп ўтган. Аммо соҳибқирон Амир Темурнинг тарихимизда тугган ўрни бекиёсидир. Шу боис, асрлар ўтса-да, бу сиймо дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Биз, бугунги ёшлар буюк бобоклонимизни қандай идрок этамиз, уни қандай англаймиз?

АСЛ ФАРЗАНД
ЮРТИНИ ОБОД ҚИЛАДИ

Тарих зарваракларини очар эканмиз, марказлашган давлат асосини ниҳоятда таҳлилга даврда чигал вазиятлардан устмонлик билан чиқиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Мўғулларга қарши кураш учун қучлар нисбати тенг эмаслигини инобатга олган 24 ёшли Темури кўшиги бек ва амирлар билан иттифоқ тузиб, халқни қирғинбаротлардан сақлаб қолади.

У барпо этган салтанат тарихини ўрганишда ҳуқуқий меъёrlар ва андозаларни четлаб ўтишининг умуман имкони йўқ. Негакки, қонун устуворлиги те-мурийлар давлатчилигининг бош тамал тоғи ҳисобланган. Дунё микёс-ида жаҳонгирни янада юксак макомга кўтарувчи унинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари мажмуаси ҳисобланувчи "Темури тузуқлари"дир. Жаҳоннинг турли тилларида таржима қилинган ушбу асар давлатни идора қилиш усуллари, қўшинни ташкил этиш қоидалари, савдо-со-тиқни ривожлантириш йўллари, халқро муносабатларни белгилаш андозалари ва ҳарбий-тактик назарияларини ўз ичига олган. Тузуқлар кейинчалик те-мурийзодалар учун на-фақат қўлланма, балки янги илҳом манбаси вази-фасини ҳам ўтади. Ундан илҳомланган Бобур Мирзо ўзининг машҳур "Бобурно-ма"сини яратди. Унинг на-бираси Жаҳонгир ибн Жа-лолиддин Акбар "Тузуқи Жаҳонгирий"ни ёзиб қол-дирди.

Амир Темурни англаб

борар эканмиз, биз ёшлар ибрат олишимиз лозим бўлган яна бир жиҳат эъти-борга моликдир. У ўзининг етти аждодини яхши бил-ган ва қадрлаган. Биз ким-нинг авлодимиз, аждодла-римиз ким, томирларимиз қай томонга илдиришган, биз, яъни бугунги ёшлар буюк соҳибқирон бобомиз-дан ибрат олиб, мана шу-ларни яхши билишимиз за-рур.

"Ғна амр этдимки, ким-ки бирон саҳрони обод қилса ёки қориз юртиса, ё бирон боқ қўқартирса, ёхуд қаровсиз ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккин-чи йили рияят ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (солиқ-олиқ) қонун-қоидага мувофиқ ҳолда йисинлар". Бу Амир Темур фармони эди. Нечо-ли олий саховат! Ўз ери-ни, ўзи яшаб турган жойи-ни, ўз ўлкасини обод қил-гани учун амалда икки йил солиқдан озод. Бу, албат-та, олижанобликдан ташка-ри, юрти обод этишининг муҳим воситаси ҳам эди.

Зеро, ҳақиқий юртпарвар, халқпарвар инсонгина ҳами-ша эл ободлигини қўлайди. Биз, ёшлар томиримиз-да оқаётган буюк аждодлар қони ҳақи, Ўзбекистони-мизнинг ҳар бир қарич-ерига гулу ниҳоллар эк-моққа қодиримиз. Таълим масканлари-ю корхоналар-да ўтказилаётган ҳашар-ларда асосан бизнинг тенг-дошларимиз фаоллигини қўлдан бермаётганлари аниқ.

27 ўлканинг ҳоқони бўлган Амир Темур Ўрта


Осиёда мўғуллар ҳукмон-лигини тамоман тугатди. Чигатой улусини бирлаш-тирди. Соҳибқирон бобо-миз Россиянинг мўғуллар зулмидан озод бўлишини 300 йилга тезлаштирди. Бу ғалабадан кейин Олтин Ўрда ўзини унглай олма-ди. Бобомиз эришган ғала-ба боис, Болқон ярим оро-ли халқлари усмоний турк-лар асоратидан қутулди-лар. Айнан Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Ев-ропа ичкарисига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа таъжубкорлик юришларини узок мuddат-да тўхтатиб қўйганини ин-кор этиб бўлмайди. Евро-пада XV асрдаёқ Амир Те-мурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга "Европанинг халоско-рига" деган рамзий ма-ноли сузлар ёзиб қўйил-ган.

Тарих бу дунёда ўтган жуда кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг кўпчи-лиги фақат бузган. Амир Темур улардан фарқли ўлароқ, умр бўйи бунёд-корлик билан машғул бўлган. Унинг "Қай би-рой жойдан гишт олсам, ўрни-га ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кесдирсам, ўрнига ўнга қўчат еткиздим" де-ган сузлари бугунги фаро-вон кунларимизда ҳам биз-га дастуриламал бўлиб ке-ляпти. Юртимизда амалга оширилаётган асрларга та-тигуллик бунёдкорлик иш-лари соҳибқирон бобомиз-га муносиб бўлган авлод-нинг ибратли саъй-ҳарака-тидир.

Камола АДАШБОВА,
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси.



АҚШга ЯРОКСИЗ ДОРЛАР



АҚШда сотилаётган дори-ларнинг ўттиз фоизи истеъ-молга яроқсизлиги аниқлан-ган. Шифокорлар дори ва ви-таминлар таркибига қўрош-ин моддаси мавжудлигини айт-моқда. Болаларга мўлжаллан-ган витаминларга меъридан ортик А, В2 ва РР витаминла-ри ҳамда рух моддаси қўшил-ган. Уларни истеъмол қилган болаларда камқонлик, қўриш қобилияти усайиши ва жигар хасталиклари аниқланган. Ҳозир барча дориҳоналар куч-ли назоратга олиниб, дорилар текширувдан ўтказилаётир.

КАНДОЛАТЧИЛАР ҲОЖИАСИ

Буюк Британиянинг Хад-дерсфилд шаҳридаги кан-долат фабрикасида содир бўлган портлаш оқибатида ўнга яқин киши ҳаётдан қўз юмди, қўллаб одамлар оғир

жароҳатланди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, фа-локатга газ плитасининг но-созлиги сабаб бўлган. Оқибатда фабрика биноси бутунлай ёниб кетган.

ХИТОЙДАГИ САЛБИЙ РЕКОРД

Халқаро молиявий инқи-роз туфайли март ойида Хи-тойда экспорт рекорд қўсат-кич — 17,1 фоиз, импорт ҳажми эса 25,1 фоиз пасай-ди. Экспертлар жорий йил мамлакатда ялпи ички махсу-лот ҳажми 6,5 фоизга пасай-ишини тахмин қилмоқда. Хи-тоий ҳукумати мамлакатдаги молиявий аҳволни яхшилаш чора-тадбирлари учун тўрт триллион юань (қарийб 585 миллиард АҚШ долларига тенг) миқдорда маблағ аж-ратди. Бу маблағ чекка туман-



ларда яшовчи аҳолини маи-ший техника билан таъмин-лаш ва қўшимча иш ўринла-ри яратишга сарфланган.

ИШСИЗЛИК АВЖ ОЛМОҚДА

"Ренхал" ахборот агент-лигининг маълум қилишича, Жанубий Кореянинг "Санъен моторс" компания-си жорий йилда уч мингга яқин иш ўринини қисқарти-риш ниятида. Бу чора ин-қироз ёқасида турган ком-панияни таназулдан қут-

каради. Йилгига икки юз минг автомобил ишлаб чи-қариш қувватига эга "Санъ-ен моторс" 2008 йили 530 миллион АҚШ долларига миқдорда молиявий зарар кўрган. Жорий йилда иш-лаб чиқариш 76 фоизга па-сайган.

ЖИЛОВЛАШНИНГ
ИМКОНИ БЎЛАЯПТИ

Кубадаги иғнабаргли дарахтлар ва бошқа турли ўсимликлар ўсади-дан қўриқхонада қўли ёнган юзга келди. Фалокат оқибатида қарағай ҳамда эв-калип дарахтларига катта зиён етган. Мамлакат кўпқарор хизматининг маълум қилишича, ёнғинни бартараф этиш учун юзлаб ўт ўчириш гуруҳлари жалб этил-ган. Шунга қарамай, ёнғинни жилов-лашнинг уйдасидан чиқиб бўлмаяпти.

УАА.

Аттестат о среднем образовании № 433520, выданный 18 июня 1994 г. школой № 188 Чиланзарского района, г. Ташкента на имя Кудрявцевой Анны Рудольфовны

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянную круглую печать и угловую штамп частного предприятия «FARRUN JIJAN» (ИНН 20064053) Сергелийско-го района, г. Ташкента.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Таббый хизмат

ЯНГИ УСКУНАЛАРНИНГ АФЗАЛИГИ

Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси аҳоли саломатлигини сақлаш, хизмат мадони-ятини юксалтириш ҳамда тизимни замонавий ускуналар билан таъминлаш учун ички имкониятлардан самарали фойдаланмоқда.

— Республикаимиз Прези-дентининг 2007 йил 19 сен-тябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга ошириш-нинг асосий йўналишлари тўғрисида" қўй Фармони иж-росини таъминлаш мақса-дида мавжуд 3 та болалар ва 2 та катталар поликли-никаси ихчамлаштирилиб, кўп тармоқли поликлиника фаолияти йўлга қўйилди, —



дейди бирлашма бошлиғи Сурия Битирова. — Поли-клиника қошида янги уску-налар билан жиҳозланган рентген-ташхис бўлими иш бошлади.

120 мингдан зиёд аҳоли яшаётган шаҳарда туғиш ёшидаги аёллар 29 минг 568 нафарга етди. Ўтган йили "Саломатлик — 2" дастури доирасида шаҳар туғуруқхонаси 35 миллион АҚШ доллари қийматидаги

жаррохлик, сунъий нафас бериш, қон ва бошқа эрит-маларни беморга тана ҳароратида узатиш, кардио-монитор каби замонавий тиббий жиҳозлар ҳамда ус-куналар билан таъминлан-ди. Бундан ташқари, лабо-ратория жиҳозлари, вакти-га етмай туғилган чақалоқ-ларни парварилашга их-тисослашган махсус кроват-лар келтирилди.

— Яқинда бўлишимизга камқонликка қарши дори-дармонлар олдик, — дейди бўлим бошлиғи Фарида Қосимова. — Мақсад — жой-ларда туғуруқ ёшидаги аёл-лар ва 2 ёшгача бўлган бо-лалар ўртасида касалликлар-нинг олдини олиш ҳамда аҳолининг тиббий саводхон-лигини оширишдан иборат.

Мунира ИСАЕВА.

Тадбиркор ва ишбилармонлар диққатига!

"Toshkent shahar munitsipal birja markazi" МЧЖ Сизларни 2009 йил 1 май куни соат 11.00 да ўтказилаётган тақририй очик аукцион савдоларига таклиф этади. Савдоларга қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижро-чилари бўлими томонидан тақдим этилган, Тош-кент вилояти, Янгийўл тумани, Гўлбаҳор қўроғи, "Матлуботсавдо" МЧЖ оморберида сакланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари:
Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2008 йил 27 октябрдаги қарорига асосан тақ-дим этилган, давлат рақами 11L 6686 бўлган, 1961 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган, "УАЗ-452" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 843 008 сўм.
Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди-нинг 2008 йил 5 декабрдаги қарорига асосан тақ-дим этилган, давлат рақами 11C 9508 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган, "УАЗ-3151" русумли автотранспорт воситаси. Бошлан-ғич баҳоси — 1 872 864 сўм.
Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди-нинг 2008 йил 5 декабрдаги қарорига асосан тақ-дим этилган, давлат рақами 11A 2595 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган, "УАЗ-4695" русумли автотранспорт воситаси. Бошлан-ғич баҳоси — 716 748 сўм.

2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижро-чилари бўлими томонидан тақдим этилган, Тош-кент вилояти, Янгийўл тумани, Гўлбаҳор қўроғи, "Матлуботсавдо" МЧЖ оморберида сакланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари:
Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман суди-нинг 2008 йил 28 мартдаги №11-0824/1102, 2008 йил 14 мартдаги №11-0807/721-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, Тошкент вило-яти, Янгийўл шаҳри, Ниязбош қўчасида жойлашган — 1974 йилда қўрилган, майдони 992,24 кв.м. бўлган, умумий таъмирталаб ҳолатдаги Таъмирлаш цехи биноси. Бошланғич баҳоси — 60 550 000 сўм.
— 1974 йилда қўрилган, майдони 150,87 кв.м. бўлган, умумий таъмирталаб ҳолатдаги Омборхона биноси. Бошланғич баҳоси — 6 500 000 сўм.

3. Тошкент вилояти Пискент тумани суд ижро-чилари бўлими томонидан 1326-сонли ижро ҳужа-тига асосан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Х. Қодиров ф/да жойлашган, Пискент туман "Қўлдош ота" ХЧҲга тегишли бўлган ферма. Бошланғич баҳоси — 33 000 000 сўм.
4. Тошкент вилояти, Пискент тумани суд ижро-чилари бўлими томонидан 2854-сонли ижро ҳужа-тига асосан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Дубовиков ф/у 4-бўлимида жойлашган, Эрматов Нурилла Тешабоевичга тегишли бўлган чой-хона биноси. Бошланғич баҳоси — 12 585 160 сўм.
5. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2008 йил 17 октябрдаги 7278-сонли ижро ҳужа-тига асосан тақдим этилган, Тошкент тумани, "Қамол Уматдош" МЧЖ оморберида сакланаёт-ган, давлат рақами 11Y 5378 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган, "М-2141" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 700 000 сўм.
6. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2008 йил 23 октябрдаги 7717-сонли ижро

ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент тумани, Миновда қўчаси, ХК "Қандрат Давов" МЧЖ оморберида сакланаётган, давлат рақами 11L 1125 бўлган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, техник но-соз бўлган, "УАЗ-452 А" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 750 000 сўм.
7. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2009 йил 10 январдаги 3736-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент тумани, "Қамол Уматдош" МЧЖ оморберида сакланаёт-ган, давлат рақами 11W 1039 бўлган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган, "ГАЗ-24" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 598 492 сўм.

8. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2009 йил 10 февралдаги 5970-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент тумани, Абдурахмонов ш/х, "Матлуботсавдо" МЧЖ омор-берида сакланаётган, давлат рақами 11E 3656 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган, "УАЗ-3151201" русумли автотранспорт воси-таси. Бошланғич баҳоси — 1 502 477 сўм.
9. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2009 йил 10 февралдаги 5980-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент тумани, Абдурахмонов ш/х, "Матлуботсавдо" МЧЖ омор-берида сакланаётган, давлат рақами 11E 3656 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган, "УАЗ-3151201" русумли автотранспорт воси-таси. Бошланғич баҳоси — 1 502 477 сўм.

10. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2009 йил 17 февралдаги 6072-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент тумани, "Қамол Уматдош" МЧЖ оморберида сакланаёт-ган, давлат рақами 11R 0668 бўлган, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган, "ГАЗ-24" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 494 194 сўм.

11. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2009 йил 17 февралдаги 6073-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент тумани, "Қамол Уматдош" МЧЖ оморберида сакланаёт-ган, давлат рақами 10K 3502 бўлган, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган, "ГАЗ-24" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 831 190 сўм.

12. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2009 йил 17 февралдаги 6071-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент тумани, "Қамол Уматдош" МЧЖ оморберида сакланаёт-ган, давлат рақами 11Z 0468 бўлган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган, "ГАЗ-24" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 375 151 сўм.

13. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2009 йил 17 февралдаги 6074-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент тумани, "Қамол Уматдош" МЧЖ оморберида сакланаёт-

ган, давлат рақами 11Z 7995 бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган, "ГАЗ-24" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 903 747 сўм.

14. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2009 йил 23 январдаги 4134-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент тумани, "Матлуботсавдо" МЧЖ оморберида сакланаёт-ган, давлат рақами 11S 6525 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган, "ВАЗ-21063" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 533 859 сўм.

15. Қийрайт тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2009 йил 2 мартдаги 4032-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Қийрайт тумани, "Арғин савдо" УК оморберида сакланаётган, давлат рақами 30J 0636 бўлган, 1994 йилда ишлаб чиқа-рилган, техник соз бўлган, "ГАЗ-310290" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 598 167 сўм.

16. Қийрайт тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2009 йил 2 мартдаги 4031-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Қийрайт тумани, "Арғин савдо" УК оморберида сакланаётган, давлат рақами Х452 УТМ бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқа-рилган, техник соз бўлган, "БМВ-520" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 093 695 сўм.

17. Қийрайт тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2008 йил 17 декабрдаги 9342-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Қийрайт тумани, "Арғин савдо" УК оморберида сакланаётган, давлат рақами 11A 104 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқа-рилган, техник соз бўлган, "ТМ35402" русумли мо-тоцикл транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 347 400 сўм.

18. Қийрайт тумани суд ижрочилари бўлими то-монидан 2008 йил 7 майдаги 2389-сонли иж

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КҶРИК-ТАНЛОВИ

Ватан борки, ор-номусимиз, кадр-қимматимиз бор, гурур ва ифтихоримиз, имон-этиқодимиз мустаҳкам ва барқарор.

Биз, киндик қони шу тупроққа томган юрт фарзандлари, ўзимизни Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз ва улуг неъматки, ҳаёт йўлларида, оғир ва машаққатли синовларда бизга ҳамisha қуч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади.

Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган ола юртимиз, Ўзбекистонимизни унглаш, уни кўз қорачигидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш – бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Халқимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ана шундай олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-1091-сонли қарорига мувофиқ, Ма-

даният ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бirlашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бас-такорлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини эълон қилади.

Танлов уч босқичда ташкил этилади:
I босқич – 2009 йил 15 апрелдан 1 июлгача

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади.

II босқич – 1 июлдан 20 июлгача
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади.

III босқич – 20 июлдан

Танловда ғолиб бўлган кўшиқлардан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккизи йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам тантаналарида фойдаланилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават, 9-хона, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.
Телефон: 239-43-73.

10 августгача

Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мутасадди ташкилотларнинг тавсиялари асосида профессионал, ҳаваскор яқка ижрочилар ҳамда бадиий жамоалар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Танлов ғолиблари учта йўналиш (матн, мусиқа, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Биринчи ўрин учун (мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади) 9 000 000 сўм

Иккинчи ўрин учун (мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади) 6 000 000 сўм

Учинчи ўрин учун (мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади) 3 000 000 сўм.

РАНГЛАР САДОСИ – МАНЗИЛДАН МАНЗИЛГА

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида эронлик таниқли мусаввир Парвиз Массудининг "Ранглар садоси – манзилдан манзилга" номли кўргазмаси очилди.

Эрон ва Германиянинг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада мусаввир Парвиз Массуди, хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро дипломатик корпус вакиллари, таниқли ўзбек ва хориж рассомлари, санъатшунослар ҳамда мухлислар иштирок этди.

Мусаввир кўргазмаси тасвирий санъат галереясининг бешта залида намо-

йиш этилмоқда. Томошабинлар эътиборига ҳавола этилаётган юзга яқин ижод намуналари орасида "Тошкентга ташриф", "Акс менинг олашим", "Хижрат", "Бир кун хабар олиб келаман" ҳамда "Она шаҳрим" номли асарлари хорижий ва маҳаллий меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Рустам ХАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс".

"YASHIL BOG' O'LKASI" (эски «Портматувчи») БОҒДОРЧИЛИК ЎЗУМЧИЛИК ШИРКАТИ (БУШ) АЪЗОЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

2009 йил 25 апрель кунини соат 11.00 да Ширкат ҳудудида аъзоларнинг умумий мажлиси ўтказилади.

Мажлис кун тартиби:

1. Бўстонлик тумани ҳокимлиги талабига кўра ширкат ерларининг фойдаланиш ҳолати текшируви натижалари ҳақида;
2. Ширкат Устави талаблари ва мажбуриятларини бажармаётган аъзолар масаласи;
3. Бошқа масалалар.

Ширкат умумий мажлисига барча аъзоларнинг қатнашиши шарт.

Узрли ва ёзма сабабсиз қатнашмаган аъзолар мажлис қарорини қабул этган ҳисобланадилар.

Маъмурият.

Республика Кўчаси мулк биржаси 15 ёшда!
"Республика Кўчаси мулк биржаси" ЕАЖ бошлангич баҳоси босқичида босқич охири бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 5 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтатиладиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан тақдор куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент вилояти Кўраб туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Кўраб тумани "Аргин савдо" ОУК омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари: 1. ЖИБ Тошкент вилояти Кўраб туман судининг 26.12.2007 йилдаги 1-466/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ГБА-СН/РАФ-2203" русумли, д/р 11Т1286 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 2 115 514,8 сўм. 2. ЖИБ Тошкент вилояти Паркент туман судининг 11.11.2008 йилдаги 55-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Фольксваген-Пассат" русумли, д/р йўқ бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 21 827 737,80 сўм.

Юқоридаги автотранспорт

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташиниш ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2009 йил 18 март 22-сонидида чоп этилган эълоннинг мазкур қисми қуйидаги тартибда, яъни:

2009 йил 21 апрель кунини Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташиниш ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан ўтказиладиган очик тендерга қўйилган ВХ-548-сонли "Чиноз шаҳри – Олмазор кўрғони" автобус йўналишини ВХ-584-сонли ва ВХ-391-сонли "Бўқа АШБ – Бекобод АШБ" автобус йўналишини ВХ-396-сонли ҳамда ВХ-411-сонли "Янги турмуш қишлоғи – Паркент ф/у" йўналишини "Янги турмуш қишлоғи – Пискент АШБ" деб ўқилсин.

«Удавнергонзавтор» инспекцияси Тошкент ҳудудий бўлимида фойдаланиш ва ишда қўллаш учун тарқатилган 21-рақамли пломбиратор ҳамда 21, 25-рақамли мастик муҳрлар йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Уятариний план дома, выданный БТИ Шахтатурского района г. Ташкента на имя Кривошей Алты Ильиничны, расположенный по адресу: г. Ташкент, Шахтатурской район, массив Актепа, дом 8-А, кв. 10, считать недействительным.

Рассом ханадаси



Изоҳга ҳожат йўқ!

Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун ре-
лама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.

Спорт © Спорт © Спорт © Спорт © Спорт © Спорт

ҲУЖУМКОРЛИККА ЯРАША АНИҚЛИК КЕРАК

Олий табақа жамоалари ўртасида навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда вилоятимиз вакиллари – "Металлург" ўз уйида тўп сурган бўлса, "Олмалик" сафарда майдонга тушди.

"Металлург" ва "Андижон" жамоалари ўртасидаги учрашув кескин ва шиддатли бўлди. Чунки, меҳмонларга ҳам очко сув билан ҳаводек зарур эди. Шунинг учун улар ўйин бошиданок ҳужумга ташлашди. Аввалига Аскар Жадиговро ҳисобни очган бўлса, Виктор Килишин иккинчи тўпни киритиб, "Андижон"ни 2:0 ҳисобида олдинга олиб чиқди.

Биринчи бўлим тугашига икки дақиқа қолганида Шухрат Йўлдошевнинг аниқ зарбасидан сўнг ҳисоб ўзгарди – 2:1. Иккинчи бўлимида майдон эгалари бутун жамоа бўлиб ҳужумга ташлашди. Жарима майдони ичида кетма-кет хавфли вазиятлар юзага келди. Бир неча бор жарима тўпи белгиланди. Аммо бекободликлар аниқ зарба йўллай олмадилар.

Учрашув охирида бораётган бир пайтда Рустам Мирсодиқов янги кучларни майдонга чиқарди. Айниқса, моҳир ҳужумчи Илёс Қурбоновнинг майдонга туширилиши ўйинда жонлангирди.

У навбатдаги жарима тўпини қойилмақом қилиб дарвоза тўрига йўллади – 2:2.

Қолган дақиқаларда



"Металлург" бор кучини ҳужумга сафарбар этса-да, ҳисобни ўзгартира олмади.

Яна бир вақтимиз – "Олмалик" сафарда тўп

суришига қарамай, ғалаба наҳидасини сурди. "Кизилкум"ни 1:0 ҳисобида енгган олмалиқликлар муҳим уч очкони қўлга киритишди.

ЁШЛАР МОҲИРРОҚМИ ЁКИ ФАҲРИЙЛАР?

Футбол бўйича ёшлар ва фахрийлар ўртасида бўлиб ўтадиган вилоят чемпионатидаги старт берилди. Бекободдаги Анохин номли спорт-соғломлаштириш мажмуасида ушбу мусобақаларнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Дастлаб майдонга 1996-97-йилларда туғилган ёш футболчилар чиқишди. Шерали Бобоқуллов ва Илҳом Ҳамзаалиев мураббийлигидаги "Металлург" ёш футболчилари "Зафар" жамоасини 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Сўнгра майдонга 1994-95-йилларда туғилган ўсмир болалар чиқди. Маҳмуд Холматов мураббийлигидаги "Металлург" ёш футболчилари зафарлик тенгдошлари устидан 6:3 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Фахрийлар ўртасидаги баҳс эса янада кизикарли бўлди. Ўқтам Тўрақулов мураббийлигидаги "Металлург" фахрийлар жамоаси Оққўрғоннинг "Алимент"

жамоасини 4:2 ҳисобида енгди. Бекободликлардан тўпларни Мансур Абдурахмонов, Равшан Бегматов, Ином Қобилбоев киритишди.

Яқшанба кунини вилоят биринчилигида катнашаётган болалар ва ўсмирлар жамоалари ўртасида 2-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Болалар жамоалари ўртасидаги баҳсда "Металлург" ёш футболчилари олмалиқлик тенгдошларини 2:0 ҳисобида ютган бўлса, ўсмирлар олмалиқлик рақибларини 2:1 ҳисобида доғда қолдиришди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.
Мирзабурхон
ДУСТМУРОДОВ
олган сурат.

БЕКАТДА

Ҳангома



бошқа ерда нарх бундан ҳам баланди! Нима, қаш-қўзингизга қараб, сувтекинга берайми? – ўшқирди аёл.

Шу пайт ҳалиги киши пайдо бўлди:

– Уктам бўлинг, сингил-жон! Ҳозир ҳамма асабий! Бозорда келишиб савдо қилинади. Ҳа, сиз ҳам ўктам бўлинг, укажон! "Кармон"га қараб муомала қилинг!

Мен илмай бошқа растага ўтиб кетдим...

Яна маршрутдаги "Дамас" келиб тўхтади. Бу сафар ота-хонинг ўзи халтасини елкасига ташлаб, шошилганча

Муродулла ҒАФУРОВ.

Ҳаёт манзаралари

БУЮКЛИК

Буюклик ҳақида сўз айтиш, таъриф таъриф бериш – қийин иш. Бу – буюк саналган нарсанинг ғоят мураккаблигидан эмас, аксинча, ғоят соддалиги ва ҳаттигидан.

Куну тун, ёзу қиш ёнгинадан шарқираб оқаётган, қадрига етишмаса ҳам боғу тоғларга жон баҳишда этишни қанда қилмайдиган, на ҳиди, на ранги бўлмаган сувни ёки сени тўйдириб,

кийинтирса ҳам, оёғинг тагидида ҳокор бўлиб ётган тупроқни қандай таърифлаш керак?

Ҳа, аслида буюклик соддаликда, фидойиликда эмасми?

Биз кўпчанча, ҳудди сув ва тупроқдек ҳокор ва фидойи инсонларнинг кадр-қиммати-ни, буюклигини билмаймиз. Ваҳоланки, уларсиз ҳаёт ҳаёт бўлмай қоларди.

Бу дунёнинг тусини, ҳаётнинг рангини ҳалигача бирор киши таъриф таъриф этиб бера олмаган.

Оламда бор кўринишларни англаб, санаб бўлмагани каби, уни аниқ бир тусда тасаввур этиш ҳам маҳол.

Менимча, олам ранги ҳар бир инсоннинг қалб кечинмасида ака этади.

Дунёда ўзини бахтли билган ёки ишқ-муҳаббат шаробидан сархуш кишига дунё нечоғлик жозиба-ли, гўзал ва азиз кўринса,

УМР РАНГИ

қалбини айрилик ўртаган, бошига мусибат тушиб, ўзини бахтираро ҳис этганларга эса, аксинча, дунё ўзининг ҳолатидида ғарибунотавон, фазисиз кўринади.

Ҳазрат Жалолиддин Румий айтиди:

Нарса йўқим хорижи олам эрур,
Ҳар неки истарсан,
ўзингда жам эрур.

Ҳа, оламнинг гўзаллиги, ҳаётнинг лазизлиги ҳар биримизга, ўзаро муносабатларимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Зеро, меҳрдан меҳр туғилур. Меҳр эса – қалб қуёши. Унинг нури тушган жойда гўзаллик бор, муҳаббат бор, ҳаёт завқи, яшаш шавқи бор. Ҳаёт шундан ранго-ранг, беҳад гўзал!

Маъмур БОЗОРАЛИ.